O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 4 апрель, шанба • № 27 (11.010) • Эркин нархда сотилади

Вилоятимиз далаларида чигит экиш давом этмоқда

ОИЛА ПУДРАТИ САМАРАСИ

БЕКОБОД туманидаги "Хос" жамоа хўжалиги деҳқонлари жорий йилда гектар бошига ўртача 40 центнердан ғалла, 25 центнердан пахта етиштириш ниятидалар.

Айни пайтда 310 гектар майдондаги бошоқли дон экинлари иккинчи бор озиқлантирилди. Чигит экиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Оила пудрати асосида иш юритаётган деҳқонларга ортиқча даъватнинг ҳожати йўқ. Зеро, хўжалик билан тузилган ички шартномага кўра деҳқон қанча кўп маҳсулот етиштирса даромади шунча юқори бўлишини яхши билади.

— Бултур ғаллачиликда оила пудрати айниқса қўл келди, — дейди хўжалик раиси Раҳматжон Деҳқонбоев. — Мавжуд 283 гектар экинзорни эллик оилага тақсимлаб бердик. Об-ҳаво инжиқ келишига қарамай, мўл ҳосил етиштирилди. Давлатнинг ҳам, деҳқоннинг ҳам омбори ғаллага тўлди. Энг муҳими, иш натижаларидан моддий манфаатдорлик ортди.

Хўжалик ўтган йилни салкам 50 миллион сўм даромад билан якунлади. Унинг асосий қисми деҳқонлар турмуш шароитини яхшилашга сарфланади. Яқинда бу ерда нон ва қандолат маҳсулотлари корхонаси очилди. Натижада 140 киши доимий иш билан таъминланди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.



Кузда хирмоним баракали, эл олдида юзим ёруғ бўлсин, деган деҳқон айни кунларда вақтнинг қадрига етиб, чигитни маромида экиб олиш ҳаракатида бўлади. Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари шундай қилмоқдалар.

Суратда: иккинчи бригадада плёнка тагига чигит экиш пайти.

Владимир ГРАНКИН олган сурат.

ҲОСИЛ ЗАМИНИ БУГУН ЯРАТИЛАДИ

БУ ЙИЛГИ ШАРОИТ ДЕҲҚОНЛАРИМИЗДАН ҲАР БИР КУН ВА СОАТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Деҳқонлар ҳамал кирди-амал кирди, деб бежиз айтмаганлар. Бу ой ерга уруғ экиладиган, кузнинг мўл хирмонига тамал тоши қўйиладиган ғанимат даврдир.

Вилоятимиз деҳқонлари ҳам бу мавсумга барвақт тайёргарлик кўрдилар. 1873 та, шу жумладан плёнка остига чигит экадиган 655 та сеялкалар тракторларга тақилиб, дала бошига келтирилди. "С-65-24", "Наманган-77", "Фарғона-3" ҳамда "Андижон-Боёвут" навли сараланган уруғлик чигит ҳам етарли миқдорда жамғарилиб, дорилаб қўйилди. Экиш ва ниҳолларга биринчи ишлов бериш пайтида ерга солиш учун 21 минг тонна азотли ўғитлар хўжаликларга ташиб келтирилди. Энг муҳими мавсумда асосий вазифани зиммасига олган механизаторлар семинар ва курсларда ўқитилиб, янгича усулда чигит экишнинг илғор тажрибаларини ўрганиб, шай бўлиб турибдилар. Аммо ҳаво ва тупроқ илимай, бунинг устига ёғингарчиликнинг тўхтамаётганлиги ғанимат кунлардан ҳамма вақт ҳам самарали фойдаланиш имконини бермаётир.

Хўш, мана шундай мураккаб вазиятда экиш-тикиш ишларини қандай ташкил этиш ва олиб бориш лозим? Биз вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бош мутахассиси Аҳмаджон Қодировдан шу саволга жавоб беришини илтимос қилдик.

— Бу йил вилоятимиз хўжаликлари 108 минг гектар ерда пахта етиштирадилар, — деди А. Қодиров. — Шундан 34 минг гектар ерда андижонча усулда чигит экилади. Экишни бошлаб юбориш учун ҳамма нарса шай қилиб қўйилган. Плёнка остига чигит қадаладиган майдонларнинг 12 минг 620 гектари текисланиб, 5200 гектар ер уруғ ташлашга тайёр турипти. Шу кунгача бирмунча ерга таналб плёнка остига чигит экилди.

Ҳозирги вазият фурсатни ғанимат билиб, барча ишчи кучлари ва техникани чигит экишга сафарбар этишни, шароит туғилиши билан сеялкаларни ишга солишни тақозо этмоқда.

Чигитнинг бехато униб чиқиши учун деҳқонларимиз алоҳида эътибор берадиган яна бир муҳим жиҳат шуки — тупроқнинг уруғ тушадиган 4-5 сантиметрли қатламида ҳарорат 10-12 даражага етиши лозим. Шундай шароитда экилган чигит бехато кўкариб чиқади. Аммо сира ҳам уруғни тобга келмаган ерга экмаслик керак. Бу унинг чиришига, турли касалликларга чалинишига, ортиқча меҳнат ва ҳаражатга сабаб бўлади.

Бу йилги мураккаб вазиятда ўғитдан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос йўл-йўриқлари бор. Масалан, экиш пайтида ҳар гектар ерга 90-100 килограммдан азотли ўғит солинса, уруғнинг беҳато ва тез униб, ниҳолларнинг бақувват бўлиб ривожланишини таъминлайди. Ёғингарчилик ва ерда намнинг кўплиги сабабли далага гербицид солишнинг ҳам фойдали томони кўп. У бегона ўтларга қирон келтиради.

Ҳар бир соатдан унумли фойдаланиладиган давр ҳозир. Оққўрғон ва Бекобод туманларидаги хўжаликларда шунга амал қилиб, ҳаво очилиб, ер селгиши биланоқ бутун куч ва техника воситаларини ерни текислаш ва экишга тайёрлаш ишларига сафарбар қилиняпти. Иш ана шундай ташкил этилганлиги сабабли Бекободда салкам 4 минг гектар майдон уруғ қадашга тайёр бўлиб турипти. Оққўрғон тумани хўжаликларида эса 2500 гектар ер текисланиб, шундан 220 гектарига сеялка кирди. Аммо ҳадеса кўкка қараб, кунини беҳуда ўтказаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Чиноз ва Пскент туманларида эндигина 100-140 гектар майдон текисланганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу хўжаликларда бекор ўтаётган кун ва соатларнинг қадри эрта-индин ҳаво жўнашиб кетганда билинади. Ўша пайтда "аттанг" деб қолмаслик учун шу кунларда амалий ҳаракатлар қилиш керак.

Р. ТУРСУНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

БУЛАР — 1998 ЙИЛДА ҚУРИЛАДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА республика Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган қарори изчиллик билан бажарилмоқда. Бу ишлар вилоятда ишлаб чиқилган махсус дастур асосида давом этмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимининг фармойишига мувофиқ қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва қишлоқ жойларида 1998 йилда бунёд этиладиган янги маданий-маиший, тиббий ва таълим муассасалари, қатор янги иншоотларнинг режалари тасдиқланди. Унга кўра бу йил вилоятимизда 12 та янги қишлоқ шифокорлик муассасалари, 60 ўринли касалхона, 4,1 минг ўқувчига мўлжалланган ўрта таълим мактаблари, 302 минг квадрат метр ҳажмдаги янги уй-жойлар, 6,4 минг квадрат метр ҳажмдаги савдо шахобчалари, 83 та маиший хизмат объектлари ва бошқа кўплаб бинолар қад кўтаради. Бундан ташқари, қишлоқ туманларида 500 километр янги газ қувурлари, 113 километр ичимлик суви иншоотлари фойдаланишга топширилади.

Айни кунларда вилоятимиздаги барча туманларда мазкур дастур асосида ишлар бошланди. Сўзсиз, режалаштирилган бу объектларнинг қурилиши қишлоқ турмуш фаровонлигини оширишга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади.

ҚУШИҚ АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА

ДАРҲАҚИҚАТ, шундай. Қўшиқ ҳам халқимиз маънавиятининг ажралмас бўлаги. Айниқса, Ватан, халқ, юрт ҳақидаги куй ва қўшиқлар кишини чуқур ўйга толдиради.

Республикамизда анъанавий бўлиб қолган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кунларининг ўтказилиши айни маддао бўлди. Шу кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида 1998 йил қўшиқ байрамини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг байрамни ўтказиш тўғрисидаги махсус қарори ва фармойиши ўз ижросини топмоқда.

Фармойишда таъкидланганидек, қўшиқ байрамлари ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар, хўжаликлар, қишлоқ ва маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда, ички ишлар идораларида ва барча шаҳар-туманларда ўтказилади. Айни кунларда жойларда бу тадбир қизғин бошланиб кетди. 15 апрелга қадар ҳудудий кўрик-танловлар бўлиб ўтади. Вилоятнинг якунловчи қўшиқ байрамини эса 15 майда ўтказиш белгиланмоқда. Август ойининг учинчи якшанбаси вилоятда "Ўзбекистон қўшиқ байрами" куни" этиб белгиланди. Ҳар қандай тадбирнинг маънавий ва моддий рағбати бўлади. Фармойишда бу масала ҳам четда қолмади. Вилоят кўрик-танловининг ғолиблари учун қуйидаги совринли ўринлар таъсис этилди. Битта биринчи ўринни эгаллаган ғолибга энг кам иш ҳақининг 60 баробари миқдорида, иккинчи ўринни эгаллаган учта ижрочига энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида, учта учинчи ўрин соҳибига энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул мукофоти берилади.

"ОИЛА ЙИЛИ"НИНГ ЁЗИ СОЗ ЎТСИН

СОҒЛОМ авлодни вояга етказиш келажак авлод тўғрисида кенг кўламли ғамхўрлик кўрсатишни талаб қиладиган вазифадир. Хусусан, болаларнинг ёзги дам олишини намунали ташкил этиш, соғломлаштириш масалаларига эътибор бериш ҳам ана шу ишларнинг ажралмас қисмидир.

Тошкент вилояти ҳокими ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштириш ишларини ташкил этишга қаратилган махсус қарорида 1998 йил — Оила йилида болаларнинг дам олишини янада яхши ташкил этиш, саломатликларини тиклаш юзасидан кенг кўламли тадбирлар ўз ифодасини топди.

Биринчи навбатда вилоят ҳудудидаги мавжуд дам олиш масканлари ва оромгоҳларни таъмирлаш, уларнинг зарур моддий-техника базасини яхшилаш, керакли асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлашни 25 майгача якунлаш вазифаси қўйилди. Бу ишга мутасадди бўлган вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият бошқармалари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, "Вилоятсавдо" концерни, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси, вилоят "Камолот" жамғармаси сингари ташкилотларга аниқ йўл-йўриқлар берилди.

Албатта, белгиланган тадбирларнинг бажарилишида вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва унинг тармоқ қўмиталари фаол иштирок этадилар. Ҳар йилгидек бу йил ҳам болалар соғломлаштириш масканларига бериладиган йўлланмаларнинг 50 фоизи бепул бўлиб, қолган эллик фоизининг 10 фоизигина ота-она ҳисобидан тўланади.

ПИЛЛАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

ЯҚИНДА таҳририятга узоқ йиллар пиллачилик билан шуғулланган онахондан мактуб келди. Унда ўзбек халқининг фахри бўлган пиллачиликдаги муаммолар кўтарилган эди. Тўғрироғи, пиллакорларимиз ўз меҳнатларига яраша манфаат кўрмаётганликлари, бу пилла етиштиришга бўлган қизиқишнинг, эътиборнинг пасайиб бораётганлигига сабаб бўлаётганлиги айтилган эди.

Долзарб мавзу

Биз ушбу мактуб юзасидан мутасадди ташкилотлар билан боғландик. Улар бунинг туб сабаби тайёрловчи билан қайта ишловчи ўртасидаги келишмовчиликлар, улар томонидан тўлов масалаларининг ўз вақтида ҳал этилмаётганлиги деб, жавоб бердилар. Очиғи, бу жавобдан биз қаноатланмадик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони пиллачиликдаги ана шундай масалаларга тўлиқ жавоб берди, дейиш мумкин. Хўш, фармоннинг асосий моҳияти нимада?

Уни вилоят пиллачилик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Забихилла Йўлдошев шундай шарҳлайди:

— Аввало, бу Фармон пиллакорларнинг ва тайёрловчи идораларнинг узоқ йиллик орзу-истагини рўёбга чиқарди. Энди пиллачилик ҳақиқий ўз эгасини топадиган бўлди. Илгари нима бўларди?

Туманларимизда, хўжаликларда, хонадонларда, катта меҳнатлар ва сарф-ҳаражат эвазига етиштирилган пилла ҳосили енгил саноат тизимидаги корхоналарга хом ашё сифатида топширилар эди. Улар эса монополист бўлиб, ҳосилга ўзларига мақбул харид нархларини қўйишга ва ўтказишга мажбур қилардилар. Пировард натижада катта даромад манбаи бўлган пиллачилик хўжаликларга катта миқдорда зиён кетирарди. Энг муҳими бу оғир меҳнатнинг ижрочилари пиллакорларимиз етарли моддий рағбат кўрмай қўйдилар. Ана шунинг натижасида пилла етиштириш ҳам, уни боқувчилар ҳам камайди.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, бизда пилланинг харид нархи дунё бозорига қараганда анча арзон. Бунинг асосий сабаби маҳсулот сифатининг рақобатбардош эмаслигида бўлса, иккинчиси — пилла боқиш технологиясининг дунёвий тажрибаларидан орқада қолаётганлигида, учинчидан — нав ва уруғчилик билан етарли шуғулланмаётганлигимиз бўлди.

Президентимизнинг Фармонида ана шу ишларнинг барчасини амалга оширувчи мустақил ва ягона "Ўзбек ипаги" уюшмаси тасарруфига ўтказилиши қайд этилди. Ўз-ўзидан бу уюшманинг вилоятларда, туманларда вакиллари ишлайдилар. Энг муҳими, ушбу уюшмага ипак қуртини боқишдан бошлаб, уни қайта ишлаш, соҳани ривожлантириш бўйича янги технологиялар жорий этиш, илмий изланишлар олиб бориш сингари барча ваколатлар берилдики, бу илгаридек пиллакорларимизнинг "бор отангга, бор онангга" қабилидаги сансалор бўлишларига қатъий чек қўяди.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтиш керак, деб ўйлайман. Бу — ўзбек пиллаларининг жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош бўлишини таъминлаш. Бу ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки, мазкур масала чуқур изланишни, нав, маҳсулот сифати устида, янги технологияларни жорий этиш, боқишни намунали йўлга қўйиш билан бевосита боғлиқдир.

Айни кунларда вилоят пиллачилик бирлашмасида мазкур фармон асосида ишлар бошланиб кетди. Хусусан, келгусида юқори навли пилла етиштириш устида ҳорижликлар билан алоқаларни йўлга қўймоқчимиз. Шу кунларда музокаралар ниҳоясига етмоқда. Шунингдек, соҳадаги ишларни қатъий изга солиш, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, ташкил этиш муҳимлигини ҳисобга олаяпмиз.

Бу йил вилоятимизда 23 минг қути қурт уруғи боқиш ва 950 тонна пилла хом ашёси етиштириш режалаштирилган. Айни кунларда туманларимиздаги 64 та инкубаторларда ипак қурти уруғлари жонлантирилмоқда. Жойларда ипак қурти боқувчилар билан шартномалар тузилмоқда ва зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўйлайманки, ушбу Фармон келгусида республикамизда бўлгани сингари вилоятимиз пиллачилигининг ҳам ривожланиши, соҳанинг катта даромад манбаига айланиши ҳамда қимматли хом ашё заҳирасига эга бўлишлик учун муҳим замин яратади.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Вилоят ҳокимлигида

КУН ТАРТИБИДА — ПУЛ-КРЕДИТ

ВИЛОЯТ пул-кредит комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда қатор вилоят бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, солиқ инспекциялари бошлиқлари, турли банклар раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни вилоят ҳокимининг муовини, комиссия раиси Б. О. Ҳосилов олиб борди.

Мажлисда вилоят, барча шаҳар ва туманлар бўйича касса режасининг бажарилиши, пул эмиссияси даражасининг аҳволи, акциз маркаларидан фойдаланиш, дебитор ва кредитор қарзларни, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш, жорий йилнинг биринчи чорагида маҳаллий бюджет даромадларининг бажарилиши, хусусий уй-жой фонди нархининг қайта кўриб чиқилиши, аҳолининг коммунал хизмат бўйича дебитор қарзларини камайтириш, шунингдек, жойларда ташкил этилган пул-кредит комиссияларининг ишларини жонлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли вилоят, шаҳарлар ва туманлар ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар бўйича амалий ишларни янада кучайтириш, уларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

ФАХРИЙЛАРНИНГ ЯНГИ МАСКАНИ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати қошида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг клуби очилди. Бир йўла 80 киши дам оладиган хоналар тўлиқ жиҳозланди.

Фахрийлар клубида отахон ва онахонлар 21 кун давомида соат 10 дан 16 гача дам оладилар. Уларга пешинда бепул иссиқ овқат тортилади. Фахрийлар бу ерда шахмат-шашка, домино ўйнашлари, телевизор томоша қилишлари, хордиқ чиқаришлари мумкин. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Корхона касаба уюшмаси дастлабки дам олувчиларга йўлланма берди.

Ольга БЛИНКОВА.

"ИЖТИМОИЙ ФИКР" ЖУРНАЛИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тошкентда "Ижтимоий фикр" журналининг илк сони чиқиши муносабати билан тақдимот маросими бўлди. Унда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитация қилинган элчихоналар ходимлари, БМТ, ЮНЕСКО, ЮСАИД, етакчи фирмалар ва халқаро жамғармалар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Маросимни мазкур журналнинг бош муҳаррири Акмал Саидов бошқарди.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази таркибида "Ижтимоий фикр" журналининг ташкил этилгани мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир.

Янги нашрнинг мақсад ва вазифаларидан бири — замонавий воқеликнинг муҳим муаммолари тўғрисида жамиятнинг фикрини холис акс эттириш, уни ҳар томонлама ошкора муҳокама қилиш, шу тариқа мазкур муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўлларини излаб топишга ҳисса қўшишдан иборатдир. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази муассис бўлган ушбу номдаги журнал барча муаллифлар учун очиқдир. Тарих ва фалсафа, социология ва санъатшунослик, ижтимоий ва гуманитар фанлар, журналистика ва адабиёт — уларнинг барчаси ўзбек, инглиз, рус тилларида чиқадиган янги нашрда ўз ўрнини топади.

Маросимда республика "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази директори Раъно Убайдуллаева, Франциянинг Марказий Осиёни ўрганиш институти директори Пьер Шувен, Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбари Неъмат Аминов ва бошқалар сўзга чиқиб, журнал таҳририятига ижодий муваффақият тиладилар.

(ЎзА).

КЎРГАЗМАЛИ ПЛАКАТ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 50 йил тўлмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ана шу санага бағишлаб "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" рангли плакатини ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрлади ва БМТ қочқинлар масалалари бўйича олий комиссари бошқармасининг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳомийлигида кўп минг нусхада чоп этди.

Плакатда декларациянинг матни, давлатимиз раҳбарининг "мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди" деган сўзлари, республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи суратлар, хабарлар, воқеалар ва фактлар ўрин олган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" плакатининг тақдимоти ва уни халқ таълими вазирлигига топшириш маросими бўлди. Уни марказ директори Акмал Саидов очди. Тадбирда БМТ қочқинлар масалалари бўйича олий комиссари бошқармаси вакилининг муовини Франк Ремус, халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар тарбияси доимо Президентимиз эътиборида турганини, бу кўргазмали плакат ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини оширишда амалий қўлланма вазифасини бажаришини таъкидладилар.

(ЎзА).

ЯНГИЙЎЛ ҚЎЗИҚОРИНИ

ЯНГИЙЎЛДА шундай фирма бор. Фаолиятининг асосини қўзиқорин етиштириш ташкил этади. Бундай тансиқ ва камёб озиқ-овқат маҳсулоти сунъий равишда ундирилади. Бунинг учун баҳорги серёғин кунлару момоқалдироқлар бўлиши шарт эмас. Унга махсус жой ажратилган. Тувакларга экилиб, зарур ўғитлар ишлатилади. Қўзиқорин бу усул билан йил давомида бир маромда ўстирилади.

Тадбиркор Шуҳрат Раҳимов соҳиби бўлган бу "Худоберган" фирмасида ҳар йили 8—10 тонна атрофида шундай маҳсулот тайёрланмоқда.

— Тайёрланган маҳсулотга харидор доим топилади, — дейди тадбиркор. — Уни Тошкент, Янгийўл ва вилоятимизнинг бошқа шаҳарларидаги савдо корхоналари шартнома асосида олиб туришипти.

Собир ҲАМИДОВ.

Ҳиссадорлик жамиятларида

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ҚИШЛОҚ хўжалиги, айниқса, унинг етакчи тармоғи пахтачиликнинг ривожланишига бу корхона жамоасининг озми-кўпми меҳнати сингган. Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида ишлаб чиқарилган турли-туман техника воситаларидан мустақил мамлакатимиздагина эмас, қатор яқин ва узоқ хорижий давлатларда ҳам фойдаланилаяпти. Бозор иқтисодига ўтиш даври мушкулликлари дастлабки вақтларда машина созларни ҳам муайян даражада қийнаб қўйди.

Машина-механизмлар тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашё ва материаллар, айниқса, металл маҳсулотлари таъминотида катта муаммолар юзага келди. Уларни бир-икки йил давомида бартараф этишнинг имкони бўлмади. Хўжаликни юритишни янгича изга солишдаги ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Корхона маҳсулотига талаб сусайди, харидорлар ҳам камайиб кетди. Бу ва бошқа шундай сабаблар оқибатида иш юришмай қолди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин пасая бошлади.

Бундай ҳолатга барҳам бериш ва корхонанинг илгариги шуҳратини тиклаш учун туб ўзгаришлар қилиш зарур бўлиб қолди. Шу сабабли жамоа хўжаликни юритишнинг бозор муносабатига мос усулини жорий қилишга киришди. Корхонани очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш маъқул кўрилди. Заводнинг ҳақиқий соҳиби бўлиб қолган машинасозлар ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомида қаттиқ тартиб ўрнатдилар. Аввало, ҳар бир ишчи-хизматчининг ўз вазифасига нисбатан масъулияти оширилди, меҳнат натижасидан моддий манфаатдорлик кучайтирилди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий мураккаб ва унумли машина-механизмларни тайёрлашни ўзлаштириш учун ҳатто ҳорижий сармояларни жалб қилиш йўли изланди.

Чет эллик инвесторлар ҳам топилди. Олмония фирмаларининг бири билан ҳамкорлик ўрнатилди. Натижада плуг ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. У ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб бермоқда. Ишлаш муддати шу вақтгача тайёрлаб келинган бундай механизмга нисбатан уч баравар кўпдир. Унинг бутловчи қисмлари Олмониядан келтирилмоқда ва шу ерда йиғилмоқда. Култиватор жамият учун бундан кейин ҳам асосий маҳсулот тури бўлиб қолади. Жорий йилда ундан ками билан 2300 та тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериш назарда тутилган. Ўтган икки ойда эса тўрт юзтадан ортиқ шундай маҳсулот буюртмачиларга юборилди.

Корхонада жамоа қўлидан чиққан қишлоқ хўжалик машина-механизмлари учун эҳтиёт қисмлар ҳам кўплаб тайёрланмоқда. Бунда пўлат қуйиш цехи жамоасининг хизмати катта бўлмоқда. Улар ишни уч сменада ташкил этиб, ҳар куни 22—25 тоннадан пўлат эритишяпти. Ундан эса юзлаб турдаги деталлар қолипланиб, сўнгра уларга ишлов берилмоқда.

Ўтган йили 567 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарган машинасозлар бу йил унинг ҳажмини 693 миллион сўмликка етказишга астойдил бел боғлашган. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Энг асосийси, ўз сафига икки мингга яқин малакали ишчи-хизматчиларни бирлаштирган жамоа бу юксак меҳнат марраларини ҳам эгаллашга қодир. Йилнинг ўтган икки ойи якунлари шундан далолат бериб турипти. Шу вақт ичида бултурги йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг ортиши 34,5 фоизни ташкил этди. Трактор култиваторлари тайёрлаш эса 345 тага кўпайди. Фаолиятнинг бошқа кўрсаткичларида ҳам ижобий силжишлар юз бермоқда. Бу йиллик вазифа шараф билан уддаланиши учун пухта заминдир.

Собир МАҲМУДОВ.



СУРАТЛАРДА: пўлат қуювчи Виктор Жеватин шогирди Илҳоммурод Имомбердиевга касб сирларини ўргатмоқда; корхонада ишлаб чиқарилаётган янги плуг.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

АРАФА

ИККИНЧИ БУТ ХАЛҚИНИНГ ҲАР КУНИ — БАЙРАМ

ЯНА бир неча кундан сўнг бутун ислом олами Қурбон ҳайитини байрам қилади. Бизнинг Ўзбекистонда ҳам бу табаррук сана алоҳида шоди ҳуррамлик билан нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва халқимиз номига кўпгина хорижий мамлакатлар раҳбарларидан, ҳукумат бошлиқларидан, таниқли арбоблардан табрикномалар келмоқда.

Машойиҳлар иймони бут халқнинг ҳар куни — байрам, Аллоҳ ёрлақаган Ватаннинг ҳар гўшаси ободдир, деган эканлар. Чиндан ҳам шундай. Ҳукуматимиз раҳбарларининг оқилона юритаётган ташқи ва ички сиёсати туфайли мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, тотувлик ҳукм сурмоқда, халқ фаровонлиги кундан-кунга яхшиланмоқда. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистонимиз бутун жаҳон назарига тушмоқда, обрў-эътибори тобора зиёда бўлмоқда.

Дориломон айёмларда одамлар қалбига қулоқ тутмоқлик савоб ишлар сирасига кирар экан. Шу боис байрам арафасида турли тоифа вакилларига мурожаат қилиб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этишни сўрадик.

Абдувоҳид МУҲИДДИНОВ,
Янгийўл шаҳар жомеъ масжиди имом-хатиби:

— БИСМИЛЛАҲИРРОҲМАНИРРОҲИЙМ. Илк пайғамбаримиз — Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг фарзандлари Исмоил даврларидан бизга мерос бўлиб қолган Ийд-уладҳа яъни Қурбон ҳайити диний маросимлар ичида алоҳида ўрин тутади. Зотан, бу сана арафасида имконияти бор болиғ мусулмонлар ҳаж фарзини адо этадилар, Байтуллоҳни тавоф қилиб, Арофат, Сафо, Марва, Мино, Муздалифа каби муқаддас жойларга қадам ранжида қилиш, Замзам сувидан тановул этиш бахтига муяссар бўладилар.

Расулуллоҳ — Муҳаммад мустафо салоллоҳу алайҳи вассаллам ҳадисларида айтилишича, кимки қалбини иймон учун холис ва соғлом, тилини ростгўй, ўзини хотиржам, хулқини тўғри, қулоғини тингловчи, кўзини ибрат нигоҳи билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак, у бахтли инсондир. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда бундай маънавий ва маърифий қадриятларимиз тобора ildиз отиб бормоқда. Қурбон ҳайити кунларида бундай йўналишларни кўриш ва сезиш кишига алоҳида бир кўтаринки руҳ бағишлайди. Иншоолloҳ, Яратганнинг файзу-барокат нури Ватанимизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Мираҳмад МИРЗААҲМЕДОВ,
Тошкент тумани, Чоштепа қишлоғи, "Наврўз" маҳалласи фахрийси:

— Қурбон ҳайити, аввалambор, катта байрам демакдир. Бинобарин шундай экан, бу айёмни том маънода ҳурсандчилик, шукроналик, ҳайру-эҳсон, меҳр-оқибат, саҳоват кунларига айлантирмоғимиз лозим. Ҳар бир хонадонда, қариндош-уруғлар орасида, маҳаллаларда имкон қадар қурбонликлар қилинади, ошлар тортилади, ёш келин-куёвлар табрикланади. Яқин кишиларга силаи раҳм қилиш, хушхулқлик, қўни-қўшниларга мурувват кўрсатиш, ота-оналарни, хасталарни зиёрат қилиб, дуосини олиш, муҳтож биродарларга ғамхўрлик кўрсатиш — Ийд-уладҳанинг асосий моҳиятини белгилайди. Бизнинг маҳалламизда ҳам бу қутлуғ кунда бир қатор ибратли тадбирлар амалга ошади.

Маърифат ҚОДИРОВА,
кўп болали она:

— ЯШИРИШНИНГ ҳожати йўқ. Айрим масалалар хусусида гап кетганда, кўпинча эркаклар фикр билдирадилар. "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти Қурбон ҳайити арафасида менга мурожаат қилганлиги учун ташаккур.

Бу йилги байрамлар — Наврўз айёмлари, Рамазон, Қурбон ҳайитлари, аввалгилардан фарқли ўлароқ, ўзига хос бир хислати билан ажралиб туради. Гап шундаки, улар йўлбошчимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Оила йили" деб эълон қилинган санада ўтмоқда.

Чиндан ҳам байрамларнинг ибтидоси оилалардан бошланади. Ҳар бир оила ҳар бир айёмни қандай ўтказишни оқилона режалаштирса, бу кайфият умуман жамиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, бизнинг оилани олиб кўрайлик. Унинг аъзолари йигирма нафар кишидан ошади. Болаларимнинг отаси Абдуроҳат Қодиров билан саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли қилдик. Ўғиллар, куёвлар, қизлар, келинлар, набиралар жамъул-жам бўлиб, ҳайитнинг асосий дамларини оиламизда ўтказишга аҳд қилдик. Биз — деҳқонлармиз. Оҳангарон туманидаги Қорахитой қишлоғида истиқомат қиламиз. Ўқиган номозларимиздан сўнг она-юртимизга бахт-саодат, осойишталик, фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз. Зотан, эл-юрт тинч бўлса, ҳар бир оила ҳам омон бўлади.

●

ЮҚОРИДА баён қилинган дил сўзлари айрим кишиларнинггина фикр-мулоҳазаси эмас. Таҳририятимизга келаётган хатлар, бўлаётган қўнғироқлар одамлар тафаккурининг ўзгараётганлигидан, дунёқарашининг кенгаяётганлигидан, ҳар бир воқеага холисона ва тўғри баҳо бераётганлигидан далолатдир. Энг сўнгги қўнғироқ Бўстонлиқ туманидан бўлди. Товоқсой қўрғонида яшовчи нафақадор Номон Тўраев шундай дедилар: "Сўнгги ҳабар бизни ўта мамнун қилди. Ийд-уладҳа — Қурбон ҳайитини байрам қилиш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида дам олиш кунини 4 апрель шанбадан 6 апрель душанбага кўчирилганлиги айни муддао бўлибди. Бунинг учун ҳукуматимизга раҳматларимизни айтамиз".

Раҳимберди УМАРОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг махсус мухбири.

КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ — КАТТА ТАДБИР

ОНАЛИК ва болаликни муҳофаза этиш — вилоят "Саломатлик дастури"нинг энг муҳим йўналишидир. Бу борада соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги муассасаларда қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Махсус мухбиримизнинг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А. СОДИҚОВ билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

— Абдувоҳид Содиқович, шу йил 28 март куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган семинар-кенгашда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар анча дуруст бораётганлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш бўйича белгиланган тадбирлар изчил рўёбга чиқаётганлиги тилга олинди. Шу муносабат билан қилинган ишлар хусусида батафсилроқ гапириб берсангиз?

— Оналар ва болалар саломатлигини мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиб бориш, аниқланган беморларни соғломлаштириш, бу аввало, республика соғлиқни сақлаш вазирлиги истиқлол йиллари ичида соҳамиз ходимлари зиммасига қўйган бош вазифадир. Марказдан олис қишлоқлардаги тиббий пунктлар, фельдшер—акушерлик пунктлари ўрнида давр тақозоси билан қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилишининг туб асосида ҳам ана шу мақсад ётади. Чунки, биз соғлом авлодга эга бўлиш учун оналар саломатлиги ҳақида жиддий қайғуришимиз керак. Бу масалага Президентимизнинг алоҳида эътибор бераётганлиги, даволаш муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш учун ҳукумат томонидан қулай шарт-шароитлар яратилаётганлиги ҳам ана шундандир.

Республиканинг барча вилоятларидан соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари, олимлар, тизимимизга даҳлдор илмий муассасаларнинг бош мутахассислари иштирок этган семинар-кенгашда "Қишлоқ аҳолисига тиббий санитария хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат кўрсатишнинг янги самарали шаклларини қўллаш" мавзуида республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов маъруза қилар экан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масаласига алоҳида тўхталди. Оила йилида, айниқса, бу масалага янада жиддий эътибор билан ёндошиш лозимлигини қайд этди.

— Қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилишининг туб асосида — она ва бола саломатлиги замирида ғамхўрлик мужассам дедингиз...

Саломатлик — текширувдан бошланади

— Ҳа, шундай. Бундай пунктларда эндиликда тиббиётнинг қатор соҳалари бўйича малакага эга бўлган шифокорлар аҳолига хизмат қилмоқда. Оналар ва болаларни дастлабки назоратдан ўтказишда, зарур ҳолларда оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича барча қулайликлар мавжуд бўлган туғруқ мажмуиига йўллашда уларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Семинар-кенгашда қилган "Қишлоқ врачлик пунктларида тиббий санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳажми ва сифати тўғрисида"ги маърузамда булар ҳақида атрофлича, аниқ мисоллар ва таҳлиллар билан гапириб бердим. Шундан сўнг 200 нафарга яқин семинар-кенгаш иштирокчилари Чиноз туманининг жамоа хўжаликларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари, акушерлик мажмуи ишлари билан танишдилар. Сирдарё вилоятида семинар-кенгаш якунига бағишланган йиғилишда вилоятимизда ислоҳотлар борасида амалга оширилган тадбирлар ижобий баҳо олди.

— Шу кунларда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида туғиш ёшидаги оналарни умумий тиббий кўрик (диспансеризация)дан ўтказиш жараёни бораётган экан...

— Бу тадбирни бошлаганимизга икки ҳафта бўлди. "Оила йили" учун махсус белгилаб олинган тадбирларимиздан бири вилоятимиздаги 589 минг нафар туғиш ёшидаги оналарни умумий тиббий кўрикдан ўтказиш ва хасталикка чалинганларни соғломлаштириш эди. Бу иш учун бошқармадан масъул ходим тайинланди. Шаҳарлар ва туманларда эса умумий тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича турли касбдаги шифокорлардан иборат гуруҳлар тузилди.

Шу ўринда бошлаган ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, уюшқоқлик билан ташкил этишимизни кўзлаб кўрик бошланиши арафасида бошқармамизга 12 та "Дамас" енгил машинаси ажратганлиги учун республика соғлиқни сақлаш вазирлигига миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Бу биз учун катта мадад бўлди.

Умумий тиббий кўрикнинг: "Боқимандаликка ўрин йўқ, топширинг сифатли бажар!", деган ўзига хос шиори ҳам бор. Бунинг маъноси шуки, шаҳар ва туманлар соғлиқни сақлаш бўлимлари бир-бирлари билан ҳамкорликда, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб иш юритадилар. "Менда у йўқ, менда бу йўқ", деган гапларга ўрин қолмайди. Масалан, рентген плёнкаси йўғи бориникидан фойдаланади. "УЗИ"си йўқ муассасага бундай аппарати бор кўмаклашади...

Шу тарзда диспансеризация уюшқоқлик билан ўтади, деган умиддамиз. Яхши кўрсаткичларга эришган шаҳар ёки туман муносиб мукофот билан тақдирланади.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ЯНГИЙЎЛ минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда муайян ютуқларга эришмоқда. Бу ерда чиқиндилар ва заҳарли моддаларни чиқаришни камайтириш, оқаваларни тозалаш ишлари доим эътибор марказида бўлмоқда. Бу соҳада анчагина тажриба тўпланди. Лекин шунга қарамай ҳал қилинишини кутаётган муаммолар ҳам етарли эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси коллегияси мажлисини ўтказиш учун ўша ер танланди. Йиғинда минтақада табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, шу соҳага мутасадди ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Уни республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси А. Ш. Ҳабибуллаев олиб борди.

Бундан олдин минтақадаги экологик аҳвол, аҳолининг экологик билимини ошириш учун қўлланилаётган иш шакллари ва усуллари атрофлича ўрганиб чиқилди. Минтақа табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил этилганидан бери ўтган салкам 10 йил мобайнида заҳарли моддаларни атрофга тарқатиш 2 минг тоннадан ортиқ, кўчма манбалар бўйича эса 50 фоизга қисқарди. Оқаваларни тозаламасдан оқизиш ҳам ярмига озайди. Туман хўжаликларида заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш икки баробар камайди. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулларидан фойдаланиш кенгайди. 100 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда буталар экилди.

Шу вақтда минтақа корхоналари томонидан экологик аҳволни яхшилашга қаратилган 100 дан ортиқ йирик тадбирлар амалга оширилган. Экологларнинг ташаббуси билан пахта тозалаш заводи шаҳар марказидан ташқарига кўчирилди. Ҳавони ифлослантирувчи кўчма манбалардан заҳарли моддалар чиқишини қисқартириш бўйича иш изчил олиб борилмоқда. 2503-автожамламасидаги транспорт воситаларининг 74 фоизи газга ўтказилган. Жамоанинг бу соҳадаги тажрибаси бутун мамлакатимиздаги турдош корхоналарда жорий қилинмоқда.

Минтақа ҳудудида тикланиши лозим бўлган 500 гектар ерни ўзлаштириш мунтазам олиб борилмоқда. Кейинги уч йил ичида унинг 367 гектари экинзорларга айлантирилди. 70 гектар ерга терак, 20 гектарга кўп йиллик ўтлар экилди. Биргина ўтган йили 2500 гектар экин майдонларига биологик усул билан ишлов берилди. Бу 1990 йилдагига нисбатан 5 баробар кўпдир.

Коллегия мажлисида маъруза қилган Янгийўл минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси В. Маҳмудов, Янгийўл шаҳар ҳокими Ш. Қорабоев ва Янгийўл туман ҳокими И. Тожибоев ҳамда музокарада сўзга чиққан бошқа нотиқлар минтақада экологик аҳволни яхшилаш юзасидан самарали ишлар қилинаётганлигини таъкидлаш билан бирга камчиликларни ҳам очиб ташладилар, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳақида гапирдилар.

Минтақага рўзғор чиқиндиларини қайта ишлаш учун завод зарур. Бундай корхонани қуриш ҳақида олмониялик мутахассислар билан маслаҳатлашилди, бунинг учун жой ажратилди. Лойиҳаси ҳам тайёр. Бироқ маблағ етишмаяпти. Минтақа ҳудудидан автомобил шох кўчалари ўтган. Фақат иккитасидан ҳар кун ўртача 4000 тадан ортиқ автомобиллар қатнайди. Улардан чиқаётган зарарли моддалар минтақадаги барча корхоналар ажратаётган шундай моддалардан кўпдир. Шу икки муҳим муаммони ҳал этиш учун Республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ёрдами керак.

Мажлисда минтақада табиатни муҳофаза қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ва самарасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Чара ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ...

...АНЖУМАНЛАР, учрашувлар, мулоқотлар, музокаралар... Улар ҳудудийми ёҳуд минтақавийми, якка мамлакатдами ёҳуд халқаро миқёсдами, барибир, ёлғиз бир инсон, қолаверса, жамият, давлат манфаатларига тааллуқли бўлмаслиги мумкин эмас. Шу боис улар кундалик ҳаётда маълум из қолдиради, истиқболга хизмат қилади.

Бизнинг шарҳ

Яқинда пойтахтимизда, дипломатия тили билан айтганда, ўзига хос бир саммит бўлиб ўтди. Унинг ўзига хослиги дарҳол сезилди. Эртаси куниёқ бу мулоқот қўшни мамлакатларда, ҳатто, узоқ хорижда ҳам ижобий акс садо берди. Бу — Марказий Осиё минтақасидаги тўрт давлат бошлиқларининг учрашуви эди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев, Имомали Раҳмоновлар илгарилари ҳам неча бор дийдор кўришишган, дунёвий масалалар хусусида фикрлар алмашишган, ўзаро музокаралар олиб боришган, кўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатлар кўрсатишган.

Лекин, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро кенгашнинг бу галги Тошкентдаги мажлиси ўзгача аҳамият кашф этди. Шу боисдан бўлса керак, МДҲга аъзо давлатларнинг юқори мақомдаги идораларида, халқаро ташкилотлар вакиллари, дипломатия корпусларининг ходимлари, чет эллик олимлар, оммавий ахборот воситалари мухбирларида бу воқеа эътирофли бир қизиқиш уйғотди.

Нега? Бунинг анча-мунча чуқур сабаблари бор эди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятининг неча йиллардан буён бирон-бир натижа бермаётганлиги, қабул этилган ҳужжатларнинг ишламаётганлиги, айрим "зўр" давлатларнинг "ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас" қабилида носамимий ҳатти-ҳаракатлари, бошқаларга ақл ўргатишга, баъзан эса зимдан тазйиқ ўтказишга, ўзларини устун қўйишга, ҳамдўстликни сиёсийлаштирилган уюшмага айлантиришга уринишлари, "тўртлик", "иккилик", "Евроосиё" деб аталган иттифоқларни тузиш талвасалари, лекин уларнинг "туғилган заҳотиёқ бўғилаётганлиги" сингари жараёнлар асосида Марказий Осиёдаги тўрт давлат раҳбарларининг бу сафарги учрашуви моҳиятан ўта сермазмун бўлди.

1994 йилда имзоланган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги протоколнинг имзоланиши мазкур анжуманнинг меҳварига айланди. Минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш ҳақидаги тўрт давлат раҳбарларининг Баёноти, халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги қарор, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, "Центразбат-98" машқларини ўтказиш, тўрт мамлакат Бош вазирлари кенгаши раиси, Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури — "СПЕКА" тўғрисидаги декларация ва яна бир қатор бошқа муаммоларга доир ҳужжатларнинг маъқулланиши, ҳамманинг назарида, янгича муносабатлар босқичининг бошланаётганлигидан дарак берди.

Бир қарашда бу учрашув дунё айвонида вақти-вақти билан ўтказилаётган анжуманлардан унчалик фарқ қилмаганга ўхшаб туюлиши мумкин эди. Аммо, унинг катта эътиборга молик жиҳатларини Ўзбекистон Президенти матбуот конференциясида сўзлаган нутқида яққол кўрсатиб берди. "Ушбу воқеа, — деди Ислом Каримов, — бошқа мамлакатларнинг эътиборини тортиши шубҳасиз". "Марказий Осиё мамлакатлари фақат замонавийлик ёҳуд интеграция учунгина ҳамкорлик қилаётгани йўқ. Бунинг асл сабаби биз тарихан ўзаро яқин халқлармиз. Ягона иқтисодий макон барпо этиш шартномаси доирасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирганда эса бир нарсани таъкидлаш керак, бирон-бир томоннинг манфаатларига зид келадиган қарор қабул қилмаймиз". "Яна бир карра айтмоқчиманки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳеч кимга қарши қаратилган эмас". Қозоғистон президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон президенти А. Акаевлар ҳам навбатдаги анжумандан қониқиш ҳосил қилганликларини яширимадилар.

...Шундай қилиб, 26 мартдаги учрашув ниҳоясига етди. Аммо, юқорида айтганимиздек, бу воқеага кўпгина жойларда ижобий муносабат билдирилганлиги қувончли ҳол бўлди. Биргина мисол. Москвада чиқадиган "Известия" газетасида Гаяз Галимовнинг "Марказий Осиё Россияни кутиб ўтирмайди" сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Муаллиф "1994 йилгача Россияга мойил бўлган Тожикистон эндиликда Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик қилишга ўтди, балки, Россия ҳам Марказий Осиё ҳамдўстлигига кирган маъқулдир", деб ярим ҳазил-ярим чин маънода киноя қилди. Шунингдек, у Марказий Осиё республикалари раҳбарлари учрашуви МДҲнинг навбатдаги саммити қолдирилганлигига антиқа жавоб бўлди, деган фикрни билдирди.

Ҳа, салкам 80 миллион халқ истиқомат қиладиган минтақада бундай бирдамликнинг, иқтисодий маконнинг вужудга келишини тарихий бир воқеа деб ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки Марказий Осиё жаҳонни, жаҳоннинг эса Марказий Осиёни кашф этиш жараёни давом этмоқда. Бу ҳолат яқинда Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонасида ўтказилган "Харвард университетида Марказий Осиёни ўрганиш ва минтақанинг ривожланиши" мавзусига бағишланган анжуманда ҳам қайд этилди. Сўзга чиққан профессор Гвидо Гольдман, Марказий Осиё форуми мудири Жон Шубер-Ингел каби олим ва мутахассислар Марказий Осиёнинг, биринчи галда, Ўзбекистоннинг АҚШ учун яқин келажакда алоҳида ўрин тутажаклигини таъкидладилар. Ўнлаб АҚШ компаниялари ва корпорацияларининг Марказий Осиёга яхши нигоҳ билан юз ўгираётганлиги ана шундан далолат бермоқда.

Марказий Осиё давлатларининг яхши ниятлар билан йўстиқболга қараётганлигини рамзий маънода "Келажак сари катта кўприк" деб аташ мумкин. Бу кўприкдан эндиликда фақат эзгу ниятлар билангина юриш лозим бўлади.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

Воқеалар тўлқинида

➡ АРМАНИСТОНДА ўтказилган президентлик сайловлари ниҳоясига етди. Бош вазир Роберт Кочарян, дастлабки маълумотларга қараганда, сайловчиларнинг 60 фоизга яқин овозини олди. Унинг муҳолифи Карен Демирчян эса аранг 40 фоизлик маррага яқинлашди.

➡ НАМИБИЯ президенти Сэм Нуйома Москвага ташриф буюрди. Шарҳловчиларнинг фикрича, бу мулоқот Россия билан Африка қитъаси ўртасидаги муносабатларни янги поғонага кўтаради.

➡ АҚШ президентининг Яқин Шарқдаги вакили Деннис Росс Исроил билан Фаластин ўртасидаги музокараларни қайта "тирилтириш"га муваффақ бўлолмади. Шундан сўнг Араб мамлакатлари Лигаси кенгаши бу минтақада тинчлик ўрнатиш шафелари бўлган АҚШ ва Россияни мазкур масалага яқиндан бош қўшишга чақирди.

➡ РУМИНИЯ ҳукумати истеъфога чиқди. Бу ҳақда бош вазир В. Чорбя ва президент Э. Константинеску баёнот бердилар.

➡ ЖАЗОИРДА терроризмга қарши кураш юришида сўнгги кунларда ҳукумат ҳарбийлари томонидан яна юз нафардан зиёд дин ниқобидаги жангарилар маҳв этилди.

➡ АФҒОНИСТОН шимолидаги Пули-Хумри шаҳри "толибон"чилар самолётлари томонидан бомбардимон қилинди. Анчагина бегуноҳ кишилар нобуд бўлдилар.

"ГЛОБАЛ ХОК" — ПАРВОЗДА

АҚШ ҲАРБИЙ тайёралари сафига ана шундай янги ном билан замонавий тайёра қўшилди. Разведка мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган мазкур самолёт яқинда синовдан ўтказилди. Қизиғи шундаки, унинг парвозига одам аралашмайди. "Глобал хок" 32 минг фут ва ундан ҳам зиёдроқ баландликкача кўтарилиши мумкин. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Калифорния штатидаги "Эдвардс" авиабазасидаги синовларга мутахассислар катта баҳо бердилар.

ЖОСУС ҚЎЛГА ТУШДИ

СТРАТЕГИК мақсадлардаги Ракета қўшинлари армияси штабининг катта зобити — майор Игорь Дудник бундан бир неча муддат илгари жосусликда айбланиб, ҳибсга олинган эди. У Россиядаги ядровий кучлар, қитъалараро баллистик ракеталар, стратегик ракеталарнинг жойлашган нуқталарига тегишли маҳфий маълумотларни компьютер дискетига жойлаб, чет элга жўнатмоқчи бўлганда қўлга тушган эди. Яқинда суд бўлди. Ҳарбий суд уни 12 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Дилрабо садолар».
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 Спорт. Спорт. Спорт.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оила ва жамият».
10.25 «Кино янгиликлари».
10.40 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
11.00 Телевизион миниатюралар театри.
11.40 «Келажагимиз ворислари».
12.05 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
12.35—14.00 Кундузги сеанс. «Эгнар чашмаси». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Уч қурбақа», «Чумчуқвой». Мультфильмлар.
18.30 «Биламиз-у, аммо...»
18.45 «Футбол майдонларида».
19.05 «Олам ва одам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Юрак кенгликларида». Ғуломжон Ёқубов.
21.35 «Вазият».
21.50 «Саҳна ҳаёти».
22.30 «Ўрдаккўл воқеаси». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қатрада қуёш».
21.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.55 «Бурч ва масъулият».
22.05 «Ойдиндаги қадамлар».
22.25 «Даракчи» (рус тилида).
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.35 — 23.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.20 — 20.40
***
20.40 «Олимпиададан кейинги ўйлар...». 1-кўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 5-серия. (Олмония).
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Айчурек».
«Умид».
20.55 «Мусиқий танаффус».
21.00 «Ҳамкорлик».
21.20 «Маънавият ва Ислом» (махсус сон).
21.45 Кинематограф. «Ишбилармон кишилар».
22.55 «Спорт-тайм».
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ер ва диёр тароналари».
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
10.35 «Сарбон».
11.00 «Спортчининг онаси».
11.15 «Жавҳар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.35 «Маҳмадона». Мультфильм.
11.45 Саид Аҳмад. «Келинлар қўзғолони». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
14.10—14.40 Ўзбек куйларидан концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Шукрона».
18.20 «Сиҳат-саломатлик».
18.40 «Қиламиз оҳанглари».
19.05 «Ёшлик» студияси. «Нима учун?»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулкдор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.00 «Айём васфи». Мусиқий дастур.
21.40 «Ақс-садо».
22.15 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Самарқанд вилояти.
23.00 «Ахборот».
23.25 Бадиий фильм.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 Ёвойи ҳайвонот олами.
19.10 Шарқ эстрадаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Очун».
20.15 Олтин мерос. «Шоҳи зинда». Видеофильм.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.25 Мумтоз наволар. Ака-ука Саидовлар қуйлари.
21.45 «Даракчи».
21.55 Оҳанглар ва эълонлар.
22.05 «Мим салтанати». Бадиий фильм.
23.45 Кундалик.
23.55 «Спорт қитъаси».
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Дастурни очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
***
17.20 — 20.40
*
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Олимпиададан кейинги ўйлар...» 2-кўрсатув.
22.00 «Аршин мол-алан». Бадиий фильм.
23.35—23.55 «Ахборот (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Телефакт».
19.30 «Наволарда аён этсам».
19.50 «Мусиқий дақиқалар».
19.55, 22.35 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Моҳир».
21.05 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.20 «Мусиқий дақиқалар».
21.25 «Дорихона» эшитади.
21.55 «ТВ-IVда немис тўлқини».
22.15 «Хит-коллекция».
22.40 «Қувноқ кино».
24.00—00.10 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Самарқанд вилояти.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 Болалар учун спектакль. «Бахт қуши».
11.35 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Остонаси тиллодан».
12.25 «Жараён».
12.45 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
13.20 «Олтин тақа». Мультфильм.
13.30 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
14.10—14.30 «Маслак ва мақсад».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўзгу».
18.30 «Фермер». Тележурнал.
18.50 «Юрт қадри». З.Умарова.
19.05 «Химмат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Қарсак». Мусиқий шоу.
21.55 «Қонун ва биз».
22.30 Ўз ТВ хазинасидан. Т.Мирзо. «Амир Темур». Видеофильм. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбекнинг юлдузлари».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Ҳаҳон халқлари эртаклари.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Толеъномма».
20.15 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жозиба».
21.10 «Ғазал соғинчи».
21.30 Тарона.
21.45 «Санта-Барбара», Телесериал.
22.30 «Даракчи» (рус тилида).
22.40 «Буюк изқуварлар. Коломбо». Сериал.
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
***
17.20 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Нафосат дунёсида бир зум». (Дрезден галлереяси). Телекўрсатув.
21.55 «Само лочинлари». Фантастик фильм.
23.25 «Мусиқий жилолар». Фильм-концерт.
23.45 — 00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.25 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.25 «Мезон».
20.45 «Азизим».
21.10 «Автосалтанат».
21.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
21.35 «Елқин».
21.55 «Дурдаршан».
22.30 Кинематограф. «Нодир шахс».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Туйғулар жаранги». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Лазиз».
9.20 «Мучал тўйи».
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Бармоқлар сеҳри».
11.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
11.20 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
11.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.25 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
12.50 Кундузги сеанс. «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
18.35 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.50 «Теннис-клуб».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Тадбиркорлик пиллапоялари.
21.20 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Мусиқий дастур.
21.55 «Бу қадим йўлларда». Публицистик кўрсатув.
«Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:
22.15 «Само сирлари».
22.25 «Дунё».
22.35 «Ўзбек зиёлиси».
23.05 «Ахборот».
23.30 ЎзТВ хазинасидан. Т.Мирзо. «Амир Темур». Видеофильм. 2-қисм
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 Амир Темурга бағишлов.
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сир».
20.15 Амир Темурга бағишлов.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Одобнома».
21.10 «Темир бобо». Комилжон Баратов.
21.20 «Даракчи».
21.30 «Мусиқа теграсида».
21.50 Олтин мерос. «Регистон нақшлари». Видеофильм.
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.15 Оилавий экран. «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
23.55—24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
***
17.20 — 20.40
*
20.40 «Моҳир». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Брюс Ли ва Шаолин». Бадиий фильм.
23.05 «Тошкент: кеча, бугун ва эртага». Телефильм.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сўҳбатдош».
19.25 «Дўстим ҳақида».
19.50 «Мусиқий дақиқалар».
19.55, 22.40 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Каталог».
22.00 «Видеомода—98».
22.20 «Мусиқий Олимп».
22.45 «Киносалон».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот»
*
8.25 «Яхши қўшиқ — давр талаби».
9.00 «Юзма-юз».
9.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
9.40 «Темурнома». Видеофильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Ҳаёт сабоқлари».
11.05 «Созга солдим «Алпомишни».
11.30 «Аждодларимиз мероси».
11.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Хонобод».
12.05 Болалар учун. «Орзу».
12.20 «Меҳр макони».
12.40 Кундузги сеанс. «Қимматли бола». Бадиий фильм.
14.10—15.00 «Манзилимиз — Регистон». Адабий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Малоҳат дарсхонаси».
18.30 «Озод ва обод юрт».
18.45 «Чаман ичра». Қ.Эсонова.
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё сарчашмаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Бастакор илҳоми».
22.00 «Парламент соати».
22.20 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
22.40 «Ёзув столидан репортаж».
23.05 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури:
23.30 «Азиз сиймолар».
23.50 Бадиий фильм.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.40 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ёнмаган ёзувлар».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дубляж».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 Бокс. Бокс. Бокс.
22.45 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00
***
17.20 — 20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ўз манфаатини кўзламай...». Бадиий фильм.
23.05 «Учинчи қўнғироқдан сўнг...»
23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
20.10 «Бегойим».
20.35 «Бу бўстон аро».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли».
23.15 Араб эстрадаси.
23.45—23.55 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 «Зиёрат».
9.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.10 «Ёшлар табассуми».
10.55 «Йигит омон бўлса».
11.15 «Чемпион билан учрашув».
11.35 «Шеър ва шуур».
11.45 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
12.05 «Санамлар сарвари». 1-қисм.
12.35 Кундузги сеанс. «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1-серия.
13.40 Эстрада тароналари.
14.10—14.40 «Маънавият». Публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55, 23.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
22.00 «Ёшлик» студияси. «Менга сўз беринг».
22.30 «Футбол тарихи».
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.30 «Титаник»нинг яратилиши». Кинокўрсатув.
23.50 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 9-серия.
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.25 «Енмаган ёзувлар».
9.50 «Туйғуларим».
9.55 «Дубляж».
10.15 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.05 Бокс. Бокс. Бокс.
11.25 Болалар экрани. «Астерикс ва Клеопатра».
12.35 «Гиннес шоу»си.
12.55 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм.
13.15 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
*
14.25 Кўрсатувлар дастури.
14.30 «Мутойиба».
14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.40 «Мусиқа теграсида».
16.00 «Спорт қитъаси».
16.30 «Маслаҳат».
16.45 «Ўғирланган». Телесериал.
17.35 «Юрган дарё...»
17.50 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
* * *
18.10 Кўрсатувлар дастури.
18.15 «Даракчи».
18.25 «Боланинг тили».
18.40 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.10 «Қонун ҳимоясида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дилбарим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «ТВ ва театр».
22.10 «Даракчи».
22.20 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Жаҳон киноси. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
01.00—01.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 17.40 — 00.50
*
00.50 Эълонлар.
00.55—01.05 «Зангиота». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.50 Клип-антракт.
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «Ассалом, Франция!»
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 «Киносалон».
24.00 «Спорт-марказ».
00.45 «Бу ажиб дунё».
01.00—01.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун «Кўнгироқча».
11.25 «Санамлар сарвари». 2-қисм.
11.55 «Қалб тароналари».
12.15 «Менинг маҳаллам».
12.35 Кундузги сеанс. «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 2-серия.
13.45 «Талабалик йилларим».
14.15 «Қувноқ стартлар». Телевизион ўйин.
14.55 — 15.20 «Тасвирга кўчган кўнгил».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла, Изла, Топ!». Телевизион ўйин.
18.30 «Ёшлик» студияси. «Оила».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
Спорт дастури:
21.50 1. Спорт. Спорт. Спорт.
22.10 2. «Футбол тарихи» (футбол майдонларида).
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.50 Кино янгиликлари.
23.05 Жаҳон киноси юлдузлари.
23.25 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 2-серия.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Боланинг тили».
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.35 «Бизнес-академия».
10.50 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
11.40 «Сир».
12.00 Болалар экрани. «Оловуддин — қасрнинг биринчи қаҳрамони».
«Якшанбада яхши дам» дастури:
13.30 Кўрсатувлар дастури.
13.35 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.25 Хорижий эстрада. Мадонна.
14.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.30 «Интер-футбол».
16.10 «Нафосат».
16.20 Мультипанорама.
16.40 «Ўғирланган». Телесериал.
17.30 Жаҳон мумтоз мусиқаси хазинасидан. С.Рахманинов. «Паганини мавзусига рапсодия». Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижро этади: Солист — Халқаро конкурс дипломанти: Барно Ҳақназарова.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.40 «Бўш ўтирма».
19.00 «Синфдош».
19.25, 19.55, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Бари ҳазил».
20.10 «Кенгга — кенг дунё».
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Менинг ҳам ўз овозим бор». Дилфуза Раҳимова.
21.20 «

ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛДИ

ОНА ТЎҒРИСИДА ортиқча ташбеҳ-у таъриф-тавсифларга ҳожат йўқ. Ҳеч бир банда онанг қадар сенинг учун куйиб-ёнмайди. Онаизор ҳақидаги бир оғиз ноўрин калом ёки қўпол ишоранинг ўзи ҳам азми гуноҳ. Бироқ, дилим куймасин деб, тилим куйса ҳам бир тарихни айтиб бермоққа ўзимда эҳтиёж сездим.

Айни ақли қуюладиган, ҳадемай қуёв кўраман деган ёшда Ўғилжон исмли бир аёл ўз маҳалласидаги олғир, аммо қадди-қомати расо бир одамни ёқтириб қолди. Қизи ўн бешга, ўғли ўн учга қадам қўйганди ўшанда. Аёлнинг кўзига рўзғор ҳам, бахти кемтик бўлиб қолаётган фарзандларининг кўз ёшлари ҳам кўринмади. У бор гапни бежанжал ҳал қиладиган ҳалимдек эрига очиқ айтди-ю, ҳамма нарсадан воз кечиб, ўша эркак билан яшай бошлади.

Ҳаёт мураккаб нарса. Бировнинг турмушида кечаётган ҳолатга ёки бировнинг кўнглида пайдо бўлган туйғу ва кечинмаларга изоҳ бериш ундан-да мураккаб. Мен Ўғилжон опанинг қилмишини тўғри ёки нотўғри деб баҳоламоқчи эмасман. Аммо...

Оналик етим — гул етим, онасиз етим — тул етим, дейишади. Аёлдан қолган икки бола тул етим бўлди. Еб-ейишолмади, кийиб-кийишолмади. "Эр йигитнинг номусга қолгани — ўлгани" дейдилар. Эсини таниб қолган Ўктамжон алам ўтида ёниб "Энди уни ҳеч қачон она демайман, қайтиб келса ҳам уйга бошқа киритмайман" дея фиғон чекди. Тақдир тақозоси билан бу оилага келган ўгай онанинг совуқ муносабати Ўктамжонни ўз онасига сал бўлсада илитмади. Айниқса, онасининг бегона эркак билан бир маҳаллада, кўз-кўзга тушиб турадиган манзилда яшаётгани Ўктамжонни баттар эзарди. Йигитлик ғурури устун келибми, бора-бора ўртоқларидан ўзини олиб қочадиган, пана-панада ҳаёл сурадиган бўлиб қолди. У "онамни кўрмасам", дерди-ю соғинарди. Соғинарди-ю, "уни кўрган кўзларим кўр бўлсин" дея алам ўтида қовриларди. Худонинг иродаси шу бўлдими — охири бу азобдан қутулди. Она дийдори қиёматга қолди...

Бир куни маҳаллада тўй бўлди — келин келди. Айни шу куни аксига олгандай электр ўчиб қолди. Ноилож кечқурун базмда машъала ёқишди. Бир қулоч келадиган таёққа латта ўраб, бензинга ботириб олгач, гугурт чақдилар. Фалокат оёқ остида деганлари рост экан. Бу ишни бажарувчининг эҳтиётсизлиги туфайли ён-атрофни ўраб олган қизиққон болалар бирданига "лоп" этиб ёнган машъаладан ўзларини олиб қочишга улгурмай қолишди.

Турмуш чорраҳаларида

Олов тўрт-беш боланинг этагига ёпишди. Атрофдагилар жон талвасасида югураётган болаларни ушлаб тупроққа ётқизиб, оловни ўчирдилар, Аммо, ёнаётган болалардан бири — Ўктамжон эса...

Азобга чидолмайинми, ёки яқин орадаги бирор сувни мўлжаллабми — дод солганча ҳеч кимга тутқич бермай, югуриб борарди. Унинг "Онажон!.. Ўлиб қоламан, онажон!!!" деган ҳайқириғини нафақат унинг орқасидан югураётган оломон, балки, бутун маҳалла эшитди. Болани ушлаб, биринчи ёрдамга шошилишгандаёқ у адойи-тамом бўлган эди. Касалхонага олиб келишганда оғриқдан бир ингради-ю, жон берди...

Йўқ, энг ачинарлиси бу эмас! Ўктамжон ўз жигарларига бевафолик қилган онасининг эшиги олдидан ўтмаслик учун, унинг дийдорини кўрмаслик учун неча ой-кунлар мобайнида яқин манзилини узоқ қилиб, бошқа кўчалардан айланиб ўтарди. Қанча вақтлар ўй-ҳаёл, руҳий азоблар ичида яшаган бола ўша машъум тўй куни — вужудига олов туташган пайтда аланга ичра фарёд чекиб, "Онажон!" дея тўппа-тўғри... онасининг дарвозаси олдига югуриб борди! Аммо, шу ҳолатда ҳам бу ерда тўхтаб туролмади. Тобора улканлашиб бораётган олов кўчанинг бошига етганда ерга қулади... Бу фарёдни, жон талвасасидаги чинқириқни она эшитган эди. Кейинроқ маълум бўлишича, ўша пайтда юраги безовталаниб, шовқин келаётган томонга бормоқчи бўлган Ўғилжон опани эри чиқармабди... Эҳ, она-я! Майли, эринг сени қайта хотин қилмасин эди, уйидан ҳайдасин эди, тоғу тошларда, дашту биёбонларда дарбадар юргин эди, аммо юрагингда озгина бўлса ҳам оналик меҳринг қолган бўлса, жон азобида тўлғонаётган болангнинг вужудидаги алангани ўз тананг билан ўчирмасмидинг! Сенга фарзанд инъом қилган Яратган олдида энди нима деб жавоб берасан? Эл-юрт олдида қандай бош кўтариб юрасан?

Бу аёл кейинги эрдан бахт кўрмади. Юракда дастлаб севги бўлиб кўринган ўткинчи туйғу кейинчалик ҳақоратлар ва кўз-ёшлар билан алмашди. Кексайиб, мадордан кетгунча ҳам эрдан қўрқиб яшади. Ўша вақтда Ўктамжон билан бирга қолдириб келган қизи — Ҳалима улғайгач, ҳеч кимга керак бўлмай қолган онасини кечирди. Тўқсонни қоралаб, бир пайтлар ўзи хору зор қилиб кетган фарзандининг қарамоғида яшаётган бу қариянинг кўнглидан нелар кечаркин ҳозир? Ўтмишини ўйлаб, Яратганнинг олдида қилаётган тавба-тазарруълари унинг гуноҳларини енгиллата олармикин? Билмадим... Аммо мен бу воқеани эслаш билан бировнинг ҳаёти устидан ҳукм чиқармоқчи эмасман. Бу — биз аёллар учун, айниқса, оналар учун Аллоҳнинг ибратидир. Ахир бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деб бежиз айтишмаган-ку...

Гулсара ИСМОИЛОВА,
филология фанлари номзоди.

Наврўз

ХОНОБОДГА КЕЛДИ

Ўлкамизда янгиланиш, яшариш байрами — Наврўзи олам кезиб юрибди. Деҳқон далага барака уруғини қадашга киришаётган паллада қиру адрларда, маҳаллакўйларда сайллар ўтказишга одатланган. Ана шундай тантаналардан бири Зангиота туманидаги Хонобод махалласида ҳам бўлиб ўтди.

Маҳалла чойхонасига ёзилган байрам дастурхони турли-туман кўкатлардан тайёрланган таниқ таомлар, сумалак, ҳалим каби ноз-неъматлар билан безатилган.

Хонободлик кексаюёш бир-бирларини меҳмон қилишга, бир-бирларининг кўнглини олишга ҳаракат қилдилар. Байрамнинг ўйин-кулгига бой, қувноқ ўтишида Оловиддин Муҳиддинов бошчилигидаги маҳалла ҳаваскорлари гуруҳи ўз улушларини қўшишди. Улар ижро этган шўх ва дилрабо қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди. Шунингдек, ўша куни маҳалла фахрийларига байрам тухфалари ҳадя этилди.

Албатта, мана шундай тантаналарнинг жамоат жойларида ўтказилиши инсонларни бир-бирларига яқинлаштиради. Халқ орасида тинчлик, тотувлик, меҳр-муҳаббат орта боради. Шундай экан, байрам тантаналари ҳамиша давом этаверсин, дея тилак билдирамиз.

Ваҳобиддин АСҚАРОВ.



Катталарга ҳайронман, бирортаси қўл узатай демайди-я...

Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда, 4-6 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг мўътадил бўлиши кутилмоқда. Айрим тоғли туманларда вақтивақти билан ёғингарчилик, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 7-12 даража илиқ, кундуз кунлари 19-24 даража иссиқ бўлади.

«Тошвилоятавтотеххизмат»

ҳиссадорлик жамиятининг кузатиш кенгаши ҳиссадорлар эътиборига шуни маълум қиладики, 30 апрель куни эрталаб соат 10.00 да **«Тошвилоятавтотеххизмат» ҲЖнинг** Тошкент вилояти Янги Чиноз қўрғонидаги манзилгоҳи бўйича идораси биносида ҳиссадорларнинг қуйидаги кун тартиби бўйича умумий йиғилиши ўтказилади:

1. «Тошвилоятавтотеххизмат» ҲЖ 1997 йил иш натижалари бўйича молиявий хўжалик фаолиятининг якунлари.
2. Аудитор текширувининг расмий ҳужжатини тасдиқлаш.
3. 1997 йилда олинган фойданинг тақсимланишини тасдиқлаш.
4. Низом сармоясини кўпайтириш.
5. Кузатиш кенгаши(янги таркиб)ни сайлаш.

Ҳиссадорлик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Очиқ турдаги «Тошкент почта»си АЖ 1998 йил 30 апрелда акционерларнинг мажлиси бўлишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тошкент почта»си АЖнинг умумий мажлисини ўтказиш ваколати ҳақидаги низомини тасдиқлаш, 1997 йил якуни ва АЖнинг 1998 йил ишининг асосий йўналиши режалари.
2. Ижроия қўмитанинг директорини сайлаш.
3. «Тошкент почта»си АЖнинг низомига ўзгартириш ва қўшимча киритиш Дивиденд тўлаш низомини тасдиқлаш.
4. Аудиторни тасдиқлаш.
5. Кузатув кенгаши аъзолари сонини, сайлаш йўли билан миқдорига етказиш.
6. Бошқа масалалар.

Мажлис ўтказиш жойи: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси 3-уй.

Акционерларни рўйхатдан ўтказиш 9.00 да бошланади.

Янги асарлар

ЮРАКДА АЙТИЛАР ГАП КЎП...

ЎРТАЧИРЧИҚЛИК ижодкор Ҳамид Норқулов "Дил сўзлари", "Умр ранги", "Ойдин ниятлар" шеърий тўпламлари орқали китобхонларга таниш. У айни пайтда туманда чиқадиган "Машъал" газетасига муҳаррирлик қилиш билан бирга, ижодда ҳам изланишни давом эттирмоқда. Қуйида шоирнинг "Уч оила тақдири" деб номланган янги достони эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

УЧ ОИЛА ТАҚДИРИ

(достон)

БИРИНЧИ СЎЗ ТЎХТАСИН АКА ҲАҚИДА

Қийналиб кетаман сизга дуч келсам,
Қўл бериб кўришсак, доим йиғлайсиз.
Тирноққа зор ўтдим, дея дунёдан
Кўринмас ип билан мени боғлайсиз.

Болали уйларга босмайсиз қадам,
Умрингиз қўшиқмас, умрингиз нола.
Лекин, ёнғоқ тўла чўнтагингизни,
Йўлда кутиб турар бир тўда бола.

Тунлари ёстиқни хўл қилган ёшлар —
Бу жимжит ҳовлига қамалган ғазаб.
Сизга таскин бўлар сўз йўқ оламда,
Сизга дуч келмоқлик энг катта азоб.

Қўшнингиз Эрбува армонларини,
Эл баъзан кўнглига қилганда белги.
Бу дунё телба ё тескари десам,
Ёруғ тортармиди кўнглингиз балки...

Беш ўғил беш жойда яшаса масрур,
Айтинг-чи, Эрбува нега йиғлайди?
Нега сўраганга жавоб беролмай,
Сиздан ҳам ўтказиб бағрин тиғлайди?

Сиз эса... ўксинманг, Тўхтасин ака,
Умр бу — дарахтдир, умр эмас чўп.
Сизнинг йўлингизни ҳар кун пойлаган,
Қишлоқда ёнғоққа ўч болалар кўп...

ИККИНЧИ СЎЗ ҚЎШНИМИЗ ҲАҚИДА

... Тўсатдан қўшнимиз хотини ўлди,
Етим бўлиб қолди еттита бола.
Қишлоқ йўлларида саргардон бўзлар
Ҳовлига сиғмаган еттита нола.

Ҳатто мен "Она" деб чақиролмайман,
Деворнинг ортида етти очиқ кўз.
Тақдирни тандирдек оқартиради
Уларнинг тилидан тушиб қолган сўз.

Кунлар ўтаверди... Энг катта ўғил,
Онасиз ҳовлига жуфт бўлиб кирди.
Армонли тўйида кўзда ёш билан,
Бир қишлоқ онанинг ўрнида турди.

Кунлар ўтаверди... Бир куни ҳамма
Тирилган бир сўзга бўлишди гувоҳ.
Энди мен ҳовлини тўлдириб яна,
"Она" деб чақирсам, бўлмайди гуноҳ...

ЭНДИ СЎЗ ЭРБУВА ҲАҚИДА

Нима бўлар бандасининг раҳми келганда,
Энг аввало раҳми келсин улуғ Оллоҳнинг.
Эрбувани ташлаб қўймас гарчи маҳалла,
Тоши оғир фарзандлардан қолган гуноҳнинг.

Беш ўғилга бордир бир кун Худо боққани,
Отага ким қандай бўлса, қайтар боладан.
Дил эзилиб, тил боғланар шундоқ ёнингда
Эрбуванинг юрагидан чиққан ноладан...

Тарбиянинг илдизини чуқур дейдилар,
Бир дарахтда аччиғи ҳам, ширини ҳам бор.
Бу дунёда ҳамма нарса экан ўлчоғлик,
Уни қандай сарф қилмоқни билгин биродар!

ЭРБУВАНИНГ БЕШ ЎҒЛИ, БИР ҚИЗИ БОР. ЭНДИГИ НАВБАТ БИРИНЧИ ЎҒИЛ ҲАҚИДА

Катта қайга бошласа йўл,
Шу томонга юрар ёш.
Шунинг учун оилада
Отадан сўнг катта бош.

Катта ўғил катта бўлиб,
Кўпчиликка бош бўлди.
Минг афсуски отасига
Ҳам бемеҳр, тош бўлди.

Ўзи ота бўлиб, аммо,
Ота қадрин билмади.
Эрбува ҳам эгилдики
Лекин, қарғиш илмади.

Келиб-кетди йилда бир бор,
Йилинг нима, демади.
Ҳасса тутган Эрбувага
Йўлинг нима, демади...

Ота учун суянган тоғ,
Бўлар экан каттаси.
Шундай тоғни қулатаркан,
Унинг қилган хатоси.

ИККИНЧИ ЎҒИЛ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА СЎЗ

Иккинчиси лоқайд бўлди,
Турмушда ҳам, ишда ҳам.
На кечани, на бугунни
Қилиб кўрмас жамулжам.

Топганига бир қул бўлди,
Бегонага қариндош.
Ҳатто, дерлар идорада,
Ишлар эмиш ўриндош.

УЧИНЧИ-ТЎРТИНЧИ ЎҒИЛЛАР ҲАҚИДА БОР-ЙЎҒИ БИР ОҒИЗ СЎЗ

... Оғалари борган йўлдан иккиси ҳам қайтмади,
Отам ҳоли не кечди деб, иккиси ҳам айтмади.

АНА ЭНДИ, КЕНЖА ЎҒИЛ ҲАҚИДА СЎЗ

Қанча девлар, қарокчилар
Енголмаган кенжани.
Доим ғолиб келаверди
Қайга урса панжани...

Ҳаёт экан, ғолибликнинг
Боғлаб қўйди отини,
Эрбуванинг кенжасини
Енгиб чиқди хотини.

Бўлак яшаб, бўлак бўлди
Отанинг ҳам меҳридан.
"Кенжа ботир" ҳеч кўрқмади
Элнинг, ҳатто, қаҳридан.

Кенжа ахир ўзбекларда
Уйнинг меросхўридир.
Бу одатни тарк қилсалар,
Айтинг кимнинг шўридир...

ЭРБУВАНИНГ ЁЛҒИЗ ҚИЗИ ҲАҚИДА СЎЗ

Қиз болани асли Эгам,
Қўш тақдирли яратган.
Кўзларига меҳр бериб,
Икки уйга қаратган.

Унга деган оғалари,
Ёқа бўлсин доимо,
Бахти кулса, бахт отига,
Тақа бўлсин доимо.

Нима қилсин ўксиганда,
Кўз ёшига суянар,
Елкадаги қарзларини,
Узайин деб куйинар.

Ота ёлғиз қолган уйга
Чорлар оғаларини.
Йиғлаб-йиғлаб йиртиб ташлар,
Ғоҳо ёқаларини.

Отасига жони ачиб,
Бўзлаб келиб, бўзлаб кетар.
Ҳовлидаги азобларни,
Юрагига сўзлаб кетар.

Ўксинмагин муштипарим,
Қанотларинг қайрилмасин.
Ҳеч бўлмаса, сенинг уйдан,
Меҳринг сира айрилмасин.

ЭСИНГИЗДАН ЧИҚМАДИМИ, ҲА, ҲА, ЎША ТЎХТАСИН АКА ҲАҚИДА ЯНА СЎЗ

Элга қараб яшайверди,
Ичга ютиб ноласин.
Боқиб олди укасининг,
Олти ойлик боласин.

Энди уни танимайсиз,
Бирам кетган яшариб.
Тўйлар бўлса маҳаллада,
Юрар юмуш бажариб.

Эрбувани кўрган чоғда,
Дуо қилинг, деб сўрар.
Тушларида бешта ўғил,
Бешта қизни тенг кўрар.

Болаларсиз бозор эмас,
Ўзбекларнинг уйлари.
Бутун бўлмас экан, ҳатто,
Ўйлаб юрган ўйлари.

Битмаган иш битар бир кун,
Ҳеч ким кўнгил бўлмасин.
Оллоҳ бизнинг юртимизни
Боладан кам қилмасин.

ЭНДИ ЭСА ҚЎШНИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТИ ҲАҚИДА СЎЗ

Катта келин она бўлди,
Қолганларга бош бўлиб.
Бирин-кетин барчасини
Жойлаштирди тўй қилиб.

Кенг ҳовлига тўлиб кетди,
Болаларнинг излари.
Ҳар қадамда эрта кетган,
Онасининг кўзлари.

Оилани етти бола,
Етти кўкка кўтарди.
Хуллас, битта оиланинг,
Куни шундай ўтарди...

Эрбуванинг ҳаётидан
Хабарлари бор эди.
Катта ўғил (қўшнимники),
Бувага бир сўз деди:

— Бува битта укам сизнинг
Ҳовлингизда яшаса,
Иссиқ-совуқ... Ҳар қалай
Келин сизга қарашса.

... Эрбуванинг кўзларига,
Алам ботди қизариб.
Ёш боланинг олдида у,
Қолди гўё бўзариб.

Кўчиб келди бу ҳовлига,
Бегоналар ҳиммати.
Бува дуо қилар бу ҳам
Оллоҳнинг деб уммати...

ЭРБУВАНИНГ БИР ОДАТИ ЭСИМГА ТУШИБ ҚОЛДИ...

Оталарнинг дуосида,
Фарзандларнинг камоли.
Бошқачадир Эрбуванинг,
Номоздаги аъмоли.

Дуосида кампиридан
Олдин ўлим сўрайди.
Сўнгра жумла мўминларни,
Раҳматларга ўрайди...

АЙТАДИГАН ГАПЛАРИМ ДАРД ЭДИ, ШЕЪР БЎЛДИ, БУЁҒИ СИЗГА ҲАВОЛА, ХУЛОСАСИ ҲАМ СИЗНИКИ...

Уч оила — уч хил дунё, юрагимдан ўтаверди,
Йиллар эса ўз йўлидан қайрилмасдан кетаверди.
Тақдирларга раҳнамодир, кўкда ёлғиз ОЛЛОҲИМ,
Ҳар бандангни ўзинг қўлла,
ўзинг асра, Паноҳим.

ҲАМИД НОРҚУЛ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-011122. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 16.362 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6